

1510

- СОН

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

“ 19 ” январ 2022 йил

Нукус шаҳри.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Қорақалпақстан Республикасы филиали номидан 2021 йил 30.12 даги № 27-01-14/6014 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи “Ўзбектелеком” АК ҚР филиали директори К.Таженов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ҳ.В. Рабишани от. Идди Коркел директор Икратов И.К. (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома туздилар;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцепт)ни ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган шартларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан такдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни такдим этиш учун техник шартлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган кундан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган кундан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тартиби шартлари таътиб этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматларнинг барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва бепулларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлов билими ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор улашишда Абонент тўлови 10% (10%) миқдорда олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир таълим хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олганда) 360000 сўм (үч юз олтинмиш миң сўм) сўм ни ташкил этади.

Ушбу сумма 360000 (үч юз олтинмиш миң сўм) сўм миқдоридagi Абонент тўлови

миқдоридagi бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси олдиндан келиш вақтида, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/такдим этилган ҳисоб-фактура асосида ўзгартирилади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Операторнинг кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойнинг ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатилади.

3.7. Оператор томонидан уланган ва такдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаглигига асос бўлиши мумкин.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиш вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни талаб қилганда, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрли равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама амаллари доирасида Абонентга такдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома билан қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва **2022 йил 31 декабр**га қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабр**га қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.






7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АК Кораколпоғистон Республикаси филиали Манзил: г.Нукус ул.Қарақалпақстан №7 Банк маълумотлари: х/р: 20210000204074838428 СТИР: 203366731 МФО: 00401 АТБ “Алоқабанк” ОКЭД: 61100 Тел: ИНТ(61) 224-6248; тел (61) 222-1475; дебигор(61) 222-14 33 факс (61) 222 68 13	ЎЗР И.В.Савицкий атиндагы Маи жестлик корхона омер музееи Манзил: Нукус қ. Ш. Жаппарбеков 52 Банк маълумотлари: 23402000300100001010 х/р: 100021860354017082200245002 СТИР: 207121234 МФО: 00014 ; Банк номи: Ошанлий банк Тошкент Тел: 61 222-25-56 222-41-25 E-mail:
Оператор томонидан:  К.Е.Таженов. /имзо/	Абонент томонидан:  Муртаев М.М. Ф.И.Ш. /имзо/
М.П.	М.П.

Қўриб:     

Подключить / Улаш:

1. Услуги сети передачи данных / Ma'lumotlarni uzatish tarmog'i xizmati

Технология / Texnologiyalari	ADSL <input type="checkbox"/> WDSL <input checked="" type="checkbox"/> FTTB <input type="checkbox"/> GPON <input type="checkbox"/>
Опорный номер телефона / Telefon tayanch raqami	
Используемое оборудование / Foydalanilayotgan uskuna	MODEM <input type="checkbox"/> STB <input type="checkbox"/> Другое _____ Собственное оборудование / Shaxsiy uskuna <input type="checkbox"/>
Услуги / Xizmatlar	Internet <input type="checkbox"/> IPTV <input type="checkbox"/> VoIP <input type="checkbox"/> VPN <input type="checkbox"/>
Тарифный план / Tarif rejasi	

2. Услуги мобильной связи / Mobil aloqa xizmatlari

Абонентский номер / Abonent raqami	
Тарифный план / Tarif rejasi	
Номер SIM карты / SIM karta raqami	
Используемое оборудование / Foydalanilayotgan uskuna	SIM карта/karta <input type="checkbox"/> RUIM карта/karta <input type="checkbox"/>
Доступ к МГ / Shaharlararo qo'ng'iroqlar <input type="checkbox"/>	Ожидание/удержание / Kutish/ushlab turish <input type="checkbox"/>
Доступ к МН / Xalqaro qo'ng'iroqlar <input type="checkbox"/>	Служба коротких сообщений(SMS) / Qisqa xabarlar xizmati <input type="checkbox"/>
Переадресация / Qo'ng'iroqlarni boshqa raqamga yo'naltirish <input type="checkbox"/>	Мобильный интернет / Mobil internet xizmati <input type="checkbox"/>
Конференцсвязь вызова / Konferens-aloqa <input type="checkbox"/>	Определитель номера / Raqamni aniqlash xizmati <input type="checkbox"/>

3. Услуги телефонии / Telefoniya xizmatlari

Перечень абонентских номеров выделенных абоненту / Abonentga ajratilgan abonent raqamlari ro'yhati	ТА 14 0000
Дополнительные виды обслуживания (ДВО) / Qo'shimcha xizmatlar ro'yhati	
Используемое оборудование / Foydalanilayotgan uskuna	Телефонный аппарат / Telefon apparati <input type="checkbox"/> Факс / Faks <input type="checkbox"/> Персональный компьютер / Shaxsiy komp'yuter <input type="checkbox"/>
Обслуживание до: / Xizmat ko'rsatish:	Оконечного устройства / Abonent qurilmasigacha <input type="checkbox"/> Здания / Binogacha <input type="checkbox"/> Ведомственной АТС / ATC idorasigacha <input type="checkbox"/>
Прямые провода / To'g'ri simli aloqa	Количество / Miqdori _____ Номера / Raqamlar _____
Соединительные линии / Ulanadigan liniyalar	Количество / Miqdori _____ Направление / Yo'nalishi _____
Количество параллельных устройств / Parallel uskunalar miqdori	
Протяженность абонентской линии (км) / Abonent liniyasining uzunligi (km)	

4. Услуги Дата-центр / Ma'lumot-markazi xizmatlari

Услуги / Xizmatlar	Хостинг / Hosting <input type="checkbox"/> Колокейшн / Kolokeyshn xizmati <input type="checkbox"/> Видеонаблюдение / Videokuzatuv <input type="checkbox"/> Другое _____
Тарифный план / Tarif rejasi	

Абонент / Abonent

Муратов Т. К

Ф.И.О



(подпись)

Дата/Sana « _____ » 201 _____ г.



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 19.01.2022 г. № 1510

между О'ЗВЕКТЕЛЕКОМ и И.В. Савицкий номидаги КР Давлат санъат музей на общую сумму 360000,00

Глава 245
Казначейский лицевой счёт 100021860354017082200245002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4292100			
Январь	120 000,00			120 000,00
Февраль	120 000,00			120 000,00
Март	120 000,00			120 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	360 000,00			360 000,00

Всего 360000,00 сум **

Триста шестьдесят тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы _____ сум или _____ % *** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.



(подпись)

Мкртычев Тигран Константинович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Срымова Жаннат Ахыновна

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

«__» _____ 20__ г.